

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Ғиждувон тумани

2023 йил 19 апрель

Ғиждувон туманлараро иқтисодий судининг судьяси, О.Қўлдошовнинг раислигида, А.Асадовнинг котиблигида, Миллий банкнинг вакили А.О (ишончнома асосида) иштирокида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар Ўзбекистон Республикаси ТИФ ХХХХ манфаатини кўзлаб, жавобгар “ХХХХ” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан муддати ўтган кредит фоизи 94 922 875,67 сўм, муддати кечиктирилган кредит фоизи, 31 147 094,71 сўм, хисобланган кредит фоизи 623 182,94 сўм, муддати ўтган кредит қолдиғи 292 743 590 сўм, муддатли кредит қолдиғи 644 035 908,07 сўм жами 1 063 472 651,39 сўм миқдоридан кредит қарздорлиги ундириш ундирувни гаровдаги мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси (кейинги матнларда “Савдо-саноат палатаси” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси ТИФ ХХХХ (кейинги матнларда “даъвогар” деб юритилади) манфаатини кўзлаб, “ХХХХ” масъулияти чекланган жамиятидан (кейинги матнларда “жавобгар” деб юритилади) дан муддати ўтган кредит фоизи 94 922 875,67 сўм, муддати кечиктирилган кредит фоизи, 31 147 094,71 сўм, хисобланган кредит фоизи 623 182,94 сўм, муддати ўтган кредит қолдиғи 292 743 590 сўм, муддатли кредит қолдиғи 644 035 908,07 сўм жами 1 063 472 651,39 сўм миқдоридан кредит қарздорлиги ундириш ундирувни гаровдаги мол-мулкига қаратишни сўраган.

Даъвогар вакили маълумотнома тақдим этиб, тарафлар ўртасида медиатив келишув тузиш мақсадга мувофиқ эмаслигини маълум қилиб, даъво аризасини қўллаб-қувватлаб, даъвони қисман қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар суд девонхона орқали илтимоснома тақдим этиб, хизмат сафарида эканлиги ва Олий судда бўлиб ўтадиган суд жараёни борлиги сабабли ишни бошқа кунга қолдиришни сўраган.

Суд илтимоснома ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, илтимосномада келтирилган важларни тасдиқловчи далиллар яъни хизмат сафари буйруғи ҳамда Олий суд биносидан бўладиган суд жараёни бўйича тайинлаш тўғрисидаги ажрим илова қилинмаганлиги сабабли илтимосномани қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

Палата ва жавобгар суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор этилганлигига қарамасдан суд мажлисида иштирок этмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддаси 3-бандига иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли



тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Суд, даъвогар вакилининг тушунтиришларини эшитиб, иш материалларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан илтимосномани қаноатлантиришни рад этишни, даъвони қисман қаноатлантиришни, суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади

Иш ҳужжатларида аниқланишича, тарафлар ўртасида 2019 йил 02 майдаги 262/2019-сонли кредит шартномасига асосан 7 фоиз устама тўлаш шarti билан 6 ойлик имтиёз даври асосида 60 ой муддатга “Ёшлар келажагимиз” дастури асосида, Ёждувон туманидаги “Хўжа-Абдуҳолик Ёждувоний” зиёратгоҳи ҳудудида меҳмонхона ташкил этиш учун қурилиш ишларини амалга ошириш мақсадида, турли хилдаги қурилиш материалларини харид қилиш мақсадида 1 000 000 000 сўм миқдорида кредит маблағи ажратилган.

Кредит таъминоти сифатида жавобгарга тегишли Ёждувон туман ХХI-аср шоҳ кўчасида жойлашган умумий ер майдони 1055,6 кв.метр, умумий майдони 878,9 кв.метрдан иборат бўлган бино иншоотларни, ушбу бино ва иншоотларни жойлашган 1055,6 кв.мдан иборат бўлган ер майдонига эга бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан биргаликда тақдим қилинган.

Жавобгар олинган кредит ва унинг фоизларини шартноманинг белгиланган мажбуриятини олган бўлсада ва шу муддатлар ўтиб кетганлигига қарамасдан ўз мажбуриятларини бажармасдан, шартноманинг тўлов муддатларини кўпол равишда бузиб келган. Бу эса ўз навбатида банкка молиявий жихатдан жиддий зарар етказиб келган.

Жавобгарга 10.01.2023 йил кун ҳолатига муддати ўтган кредит фоизи 94 922 875,67 сўм, муддати кечиктирилган кредит фоизи, 31 147 094,71 сўм, хисобланган кредит фоизи 623 182,94 сўм, муддати ўтган кредит қолдиғи 292 743 590 сўм, муддатли кредит қолдиғи 644 035 908,07 сўм жами 1 063 472 651,39 сўм миқдорида кредит қарздорлиги вужудга бўлган.

Жавобгар томонидан кредит ва унинг фоизларини ўз вақтида тўлаши тўғрисида юборилган огоҳлантириш хатлари ва бир неча маротаба банк ходимлари томонидан оғзаки ва ёзма равишда огоҳлантиришларга қарамасдан кредит қарздорлигини кредит қарздорлигини тўламасдан келган.

Шу сабабли, Савдо-саноат палатаси даъвогар манфаатини кўзлаб, жавобгар ҳисобидан муддати ўтган кредит фоизи 94 922 875,67 сўм, муддати кечиктирилган кредит фоизи, 31 147 094,71 сўм, хисобланган кредит фоизи 623 182,94 сўм, муддати ўтган кредит қолдиғи 292 743 590 сўм, муддатли кредит қолдиғи 644 035 908,07 сўм жами 1 063 472 651,39 сўм миқдорида кредит қарздорлиги ундириш ундирувни гаровдаги мол-мулкига қаратишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда матнда “ЎЗР ФК” деб юритилади) 8 ҳамда 234-моддаларига кўра, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

ЎЗР ФК 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар



бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ЎзР ФК 744-моддаси биринчи бандига кўра кредит шартномаси буйича бир тараф-банк ёки бошқа кредит ташкилоти иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағларини кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

ЎзР ФКнинг 738-моддасига кўра эса қарз олувчи қарз суммасининг қайтариб берилишини таъминлаш юзасидан қарз шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаса, шунингдек қарзнинг таъминоти қарз берувчи жавобгар бўлмаган вазиятларда йўқотилса ёки унинг шартлари ёмонлашса, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги №13/150-сонли “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Қарорининг 3-бандига кўра, банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кейинги ўринларда – кредит ташкилоти) ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабат кредит ташкилотининг кейинчалик, келишилган муддатларда, кредит бериш (кредит линиясини очиш) мажбуриятини ва қарз олувчининг олинган кредитни қайтариш ва у буйича фоизларни тўлаш мажбуриятини ўз ичига олади.

Даъвогар вакили маълумотнома тақдим этиб, суд кунига қадар ушбу қарздорликнинг тўловни қисман амалга оширганлиги сабабли, даъвогар вакилининг суд мажлисида берган маълумотнома ва тушунтиришидан, иш ҳужжатларида мавжуд бўлган ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топган.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, суд даъвонинг муддати ўтган кредит фоизи 93 734 635,6 сўм, муддати кечиктирилган кредит фоизи, 26 899 763,71 сўм, ҳисобланган кредит фоизи 1 499 007,62 сўм, муддати ўтган кредит қолдиғи 313 173 153,78 сўм, муддатли кредит қолдиғи 556 212 831,07 сўм жами 991 519 391,78 сўм миқдоридан кредит қарздорлиги ундиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” ги 13/150-сонли қарорининг 25-бандида қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 48-моддаси биринчи қисмига мувофиқ юридик шахс ўз мажбуриятлари буйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Юқоридаги шартноманинг тегишли бандига кўра, кредит ва унга ҳисобланган фоизлар ўз вақтида қайтарилмаганда, ундирув кредит таъминотига қаратилиши мумкинлиги белгиланган.

“Гаров тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига кўра, гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар



бўлган вазиятларда бажармаган тақдирда ёки лозим даражада бажармаганда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиши мумкин.

Кредит қарздорлигини қайтаришни сўраб даъвогар судга қарз ундирувини гаров нарчасига қаратиш тўғрисида даъво ариза киритган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 279-моддаси 1-қисмида гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкинлиги қайд этиб ўтилган.

Юқоридаги шартноманинг тегишли бандига кўра, кредит ва унга ҳисобланган фоизлар ўз вақтида қайтарилмаганда, ундирув кредит таъминотига қаратилиши мумкинлиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларининг қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 13/150-сонли қўшма Қарорнинг 21-бандида қарздор томонидан гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда кредитор (гаровга олувчи) қонун ҳужжатларига мувофиқ гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан қаноатлантириш ҳуқуқига бошқа кредиторларга қараганда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлишлиги белгиланган.

Суд юқоридагиларни инобатга олиб жавобгарга тегишли Ғиждувон туман XXI-аср шоҳ кўчасида жойлашган умумий ер майдони 1055,6 кв.метр, умумий майдони 878,9 кв.метрдан иборат бўлган бино иншоатларни, ушбу бино ва иншоотларни жойлашган 1055,6 кв.мдан иборат бўлган ер майдонига эга бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан биргаликда қаратишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддасининг биринчи ва саккинчи қисмларига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

“Давлат божи тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 9-моддаси 2-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари — палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан даъвогар давлат божини тўлашдан озод қилинганлиги сабабли давлат божисиз иш юритувига қабул қилинган.

Суд юқоридагиларни инобатга олиб, даъво талабини қисман қаноатлантиришни жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига муддати ўтган кредит фоизи 93 734 635,6 сўм, муддати кечиктирилган кредит фоизи, 26 899 763,71 сўм, ҳисобланган кредит фоизи 1 499 007,62 сўм, муддати ўтган кредит қолдиғи 313 173 153,78 сўм, муддатли кредит қолдиғи 556 212 831,07 сўм жами 991 519 391,78 сўм миқдорида ва олдиндан тўланган 30 000 сўм почта харажати, Республика бюджетига 21 269 453,03 сўм давлат божи ундиришни лозим деб топди.



Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг, 234, 236, 738-744-моддаларига, Иқтисодий процессуал кодексининг 118-, 170, 176, 179, 180, 181, 186-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л а д и:

Илтимосномани қаноатлантириш рад этилсин

Даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

“XXXX” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан:

Ўзбекистон Республикаси ТИФ XXXX фойдасига муддати ўтган кредит фоизи 93 734 635,6 сўм, муддати кечиктирилган кредит фоизи, 26 899 763,71 сўм, хисобланган кредит фоизи 1 499 007,62 сўм, муддати ўтган кредит қолдиғи 313 173 153,78 сўм, муддатли кредит қолдиғи 556 212 831,07 сўм жами 991 519 391,78 сўм миқдорида ва олдиндан тўланган 30 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Республика бюджетига 21 269 453,03 сўм давлат божи ундирилсин.

Ундирувни “XXXX” масъулияти чекланган жамиятига тегишли Гиждувон туман XXI-аср шоҳ қўчасида жойлашган умумий ер майдони 1055,6 кв.метр, умумий майдони 878,9 кв.метрдан иборат бўлган бино иншоотларни, ушбу бино ва иншоотларни жойлашган 1055,6 кв.мдан иборат бўлган ер майдонига эга бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан биргаликда қаратилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

О.Қўлдошов

